

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№18 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий Университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети

"Ўтмишга назар" журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial Board of the Look to the past

Кебадзе Мадонна
*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Бурдиашвили Майя
*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Кожакева Ляззат Темировна
*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова
*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети*

Зияева Доно Ҳамидовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Халикова Раҳбар Эргашевна
*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна
*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна
*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Саипова Камола Давляталиевна
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна
*тарих фанлари номзоди, профессор, Тошқи
ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
*тарих фанлари доктори, Тошкент Кимё -
Технология Институтида*

Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

1.Шамсиева Ирода Махмудовна, ТАРИХНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА QR-КОДЛАР: ЎЗБЕКИСТОНДА УНИ Қўллашнинг имкониятлари, муаммо ва истиқболлари.....	4
2.Турсунов Нурулло Нарзуллаевич, ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ.....	17
3.Сангирова Дилорам Хўжамқуловна, ҲАЖ ЗИЁРАТИ ВА ҲУКМДОР ҲОЖИЛАР.....	24
4.Shirnova Fotima Nosirovna, ISLOM KARIMOVNING "TARIXIY XOTIRASIZ KELAJAK YO'Q" ASARIDA TARIX FANINI O'QITISHNING DOLZARB MUAMMOLARI.....	38
5.Вахобов Ботирали Михайлович, ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЭТНОГРАФИК ГУРУҲЛАРИ.....	43
6.Ҳабибуллаев Ориф, ТУРК ХОҚОНЛИГИДА Қўлланилган ҳарбий унвонларга доир.....	50
7.Самадов Хуршид Баходирович, Салимов Шерзод Юнусович, XX АСРНИНГ 90-ЙИЛЛАРИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ МУАММОЛАРИ: ТАЖРИБА ВА ЮТУҚЛАР.....	57
8.Тўхтабаев Аъзамжон Шарипхўжаевич, МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА "UZBEKISTAN AIRWAYS" ФАОЛИЯТИГА НАЗАР.....	69
9.Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна, АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ТАСАВВУФ ТАРИХИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРГА ДОИР.....	75
10.Раззоқова Гўзал Қодировна, ХОРАЗМ ХАЛҲАЧИЛИГИ.....	81
11.Бахтиёр Режавалиевич Халмуратов, Малоҳат Одилова, НАМАНҒАН ВИЛОЯТИДА ФОЛЬКЛОР ТУРИЗМИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР.....	85
12.Жайнаров Обиджон Ҳамидўгли, ТУРКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ХАЛҚ КОМИССАРЛИГИ: СТРУКТУРАСИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИ (1917-1922 йиллар).....	90
13.Юсупова Гуллола, ФАРҒОНА ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ ХАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР (1960-1980 йй.).....	98
14.Холияров Тўлқинжон Чоршанбиевич, ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ ТАРИХШУНОСЛИГИГА ОИД ЯНГИ ТАДҚИҚОТЛАР Тўғрисида.....	103

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Бахтиёр Режавалиевич Халмуратов,
Наманган давлат университети
Архившунослик кафедраси доценти в.б.,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Малоҳат Одилова,
Наманган давлат университети магистранти

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ФОЛЬКЛОР ТУРИЗМИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР

***For citation:** Bakhtiyor R.Khalmuratov, Malokhat Odilova. Folklore tourism in Namangan: Achievements and problems. 2019, vol. 1, issue 18, pp. 85-89*



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-18-11>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мустақиллик йилларида Наманган вилоятида туризм тараққиёти, унинг истиқболли йўналишлари, туризмнинг муҳим таркибий бўғинларидан бири бўлган фольклор туризмнинг ҳозирги кундаги ҳолати таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Мустақиллик, туризм, фольклор, халқлар, мусиқа, лирика, ёдгорлик, мерос, маданият, санъат, сайёҳлик, дорбозлик.

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич,
Наманганский государственный университет
Доцент кафедры архивов
Доктор философских наук по истории (PhD)

Одилова Малохат,
Магистрант Наманганского государственного университета

ФОЛЬКЛОРНЫЙ ТУРИЗМ В НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ: ДОСТИЖЕНИЕ И ПРОБЛЕМЫ

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется развитие туризма в Наманганской области в период годы независимости, перспективных направлений и современного состояния фольклорного туризма.

Ключевые слова: Независимость, туризм, фольклор, народы, музыка, лирика, памятник, наследие, культура, искусства, путешествие, канатоходство.

Bakhtiyor R. Khalmuratov,

Namangan State University

Associate Professor of the Department of Archives

Doctor of Philosophy in History (PhD)

Malokhat Odilova,

Magistr Namangan State University

**FOLKLORE TOURISM IN NAMANGAN:
ACHIEVEMENTS AND PROBLEMS****ANNOTATION**

In this article the development of tourism in Namangan region in the years of independence, it's perspective branches, present state of the folklore tourism which is one of the important components of tourism are analyzed.

Key words: Independence, tourism, folklore, nations, people's, music, lyrics, memorial, heritage, culture, art, tourism, distortion (wire dancing).

Туризм нафақат дам олиш тури сифатида, шунингдек, маълум билим ва кўникмалага эга бўлиш ва ўзаро тажриба алмашишда ҳам катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда сайёҳлар тарихий ёдгорликлар, бетакрор табиатдан баҳраманд бўлишнигина эмас, турли халқларнинг миллий фольклори, мумтоз мусиқа ва томошалари каби номоддий маданий меросга ошно бўлишни хоҳлайди. Бошқа халқларнинг миллий фольклор ва мумтоз мусиқаси ва халқ томошаларини тушуниш, ҳис қилиш учун тил билиш шарт эмас, балки сайёҳ ўз қалби ва онги орқали ҳаммасини тушуна олади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин асрлар мобайнида кишилар қалбига эзгуликни жо этиб келган ўзбек фольклорини чуқур ўрганиш, унинг бадиий жиҳатдан энг мукамал намуналарини чоп этиш ва кенг оммалаштириш орқали халқ поэтик тафаккурининг дунё цивилизациясида тутган муносиб ўрнини кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, "ҳар бир суверен давлат ўзининг бетакрор тарихи ва маданиятига эгадир. Бу тарих, маданиятнинг ҳақиқий ижодкори, яратувчиси эса ҳақли равишда шу мамлакат халқи ҳисобланади" [1, Б.247]. Бу эса аждодларимизнинг бой номоддий маданий мероси, жумладан, ўланларни кенг кўламда тадқиқ ва тарғиб этиш борасидаги илмий ишларни ҳам жадаллаштиришни тақозо этади.

Ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигида халқ лирикасининг жанрлар таркиби ва поэтикасини тадқиқ этишга, айниқса, кўшиқларнинг тарихий асослари ва поэтикасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада, халқ

қўшиқларининг мукаммал таснифи яратилиб, ҳар бир жанрнинг ўзига хос хусусиятлари ва поэтик табиатига доир назарий қарашларни такомиллаштиришга эришилди. Фольклоршуносликнинг бундай устувор назарий концепциялари ўзбек халқ оғзаки ижодининг генезиси, бадиий эволюцияси ва мамлакатимизнинг маънавий-маданий тараққиётида тутган ўрнига доир янги хулосалар чиқариш имконини беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси томонидан тайёрланган номоддий маданий мерослар рўйхатига Фарғона водийсига хос бўлган қуйидаги объектлар киритилган. Фарғона ва Тошкент мақоми, дутор ва сурнай мусиқий мероси, мумтоз қўшиқчилик санъати, халқ қўшиқлари ва яллалар, тановар, лапарлар, қарсак ўйинлари, рақс санъати, аския, дорбозлик санъати, халқ ўйинлари, қўғирчоқ театр репертуарлари; миллий маросимлардан юз очди, бешик тўйи, суннат тўйи каби оилавий маросимлар; халқ сайилларидан Наврўз, гул сайиллари (лола сайли, бойчечак сайли, қизғалдоқ сайли). Ушбу номоддий маданий мерос объектлари нафақат халқимизнинг миллий анъана ва қадриятлари ҳисобланади, қолаверса, туризм индустриясини янада ривожлантиришда, минтақанинг туризм имиджини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу борада хорижий давлатлар тажрибаларидан самарали фойдаланиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Фольклор туризм ибораси 1989 йилда америкалик олим Регина Бендикс томонидан фанга олиб кирилган. Фольклор туризмнинг асосий мақсади турли халқларнинг миллий анъана ва қадриятлари, халқ томошалари, миллий ўйинлар, йўқ бўлиб кетган диний ритуалларнинг халқ ҳаётидаги ўрнини туризм индустриясига олиб кириш ва туризмни янада ривожлантиришда фойдаланиш назарда тутилади [2,Б.131]. Ҳозирги кунда фольклор туризми турли халқларнинг миллий байрамлари, халқ сайиллари, маросим ва анъаналари ва халқ томошалари, кам сонли элатлар яшаш тарзи сайёҳларни қизиқтириб келмоқда. Фольклор туризм Ҳиндистон, Марокаш, АҚШ давлатларида кенг ривожланган.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов ўзининг "Юксак маънавият - енгилмас куч" номли китобида шундай ёзган эди: "Ҳар қайси халқ ёки миллат маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади" [3,Б.24]. Бу билан аждодларимиз тафаккури билан яратилган фольклор санъатининг маънавиятимиздаги ўрнига алоҳида баҳо берган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги "2010-2020- йилларга мўлжалланган номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги 222-сонли Қарори ҳам мамлакатимизда яратилган улкан номоддий маданий мерос ёдгорликларини асраш, илмий тадқиқ этиш, ушбу бойликларни туризмни ривожлантиришда фойдаланиш учун катта имкониятлар эшигини очиб берди.

Сайёҳлар мамлакатимизга фақат тарихий маданий ёдгорликларни кўриш учунгина эмас, аксинча, унинг миллий қадриятларга қай даражада содиқлигини кўриш истагида ҳам ташриф буюради. Агар халқнинг миллий анъана ва қадриятларига нописандлик билан унитилиб борса, бу мамлакат туризм жозибадорлигини йўқотади. Замонавий мусиқа, зўр сервис хизматлари ҳам

сайёҳларни унинг асл маданиятидан баҳраманд бўлишдан олган қувончни бера олмайди. Шунинг учун ҳам фольклор туризмга иккинчи даражали ёки қўшимча тур сифатида эмас, алоҳида тур сифатида ривожлантириш вақти келди. Биз бу билан ёш авлодни миллий анъаналаримизга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки туризм катта тарбия воситаси ҳисбланади. Ёшларни миллий қадриятларга ҳурматини оширади.

Наманган вилоятида 13 та "Қалдирғоч", "Олвализор гуллари", "Ниҳол", "Гулбаҳор", "Гулдаста", "Дилшод", "Юлдуз", "Наврўз", "Хушнаво", "Чуст тароналари", "Чортоқ тонги", "Наманган гуллари" каби фольклор жамоалари туризм ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Вилоятнинг "Ёр-ёр" фольклор жамоаси Буюк ипак йўли давлатлараро ўтказиладиган фольклор ижрочилари халқаро фестивалида, Швейцария, Германия, Голландия, Франция, Белгия, Испания туризм ярмаркаларида лапар ва фольклор қўшиқларини хорижликлар эътиборига ҳавола этиб келмоқда.

"Олтин калитча", "Хўрозча", "Кулча" халқ қўғирчоқ театрлари, А. Нурматов бошчилигидаги "Чуст дорбозлари", К. Жўраев бошчилигидаги "Дорбозлик" гуруҳи, "Миллий дорбозлик гуруҳи", "Наманган сеҳргарлари" дорбозлик гуруҳлари найрангбозлик, сеҳргарлик, муаллақчилик, айиқ, эчки, маймун ўйнатиш, чиғириқ, миллий полвонлик ўйинлари, ҳинд йоглари, масхарабозлик, пантомима, акробатика ва бошқа миллий дорбозлик ўйинлари томошабинларга маҳорат билан намойиш қилиб келмоқда [4,Б.24].

"Наманган сеҳргарлари" халқ дорбозлар жамоаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сонли "2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори ҳамда Наманган вилояти ҳокимининг 2010 йил 11 декабрдаги 250-сонли Қарори доирасида дорбозлик санъатини халқ орасида тарғиб қилинмоқда [5,Б.48]. Дорбозлик санъати нафақат ички туризмни ривожлантиришда, балки ташқи туризм оқимини ошишида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар қандай сайёҳ аввало, ўзи учун экзотик аҳамиятга эга бўлган маданият билан яқиндан танишишни хоҳлашини инобатга олиб, халқ сайиллари, миллий ўйинлардан туризмни ривожлантиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Инсон саёҳат давомида бошқа халқлар маданияти ва санъати билан яқиндан танишиш имконига эга бўлади. Унинг эстетик дунёқараши ўсади, бошқа халқлар маданиятига ўзаро ҳурмат шаклланади. Шунингдек, туризм жозибадорлигини оширишда, минтақа туризм имиджини шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш керакки, бугунги кунда туризм жаҳон иқтисодиётининг энг ривожланиб бораётган тармоқларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Шу билан бир қаторда қашшоқликни олдини олиш ва аҳолини фаровонлик даражасини кўтаришда ҳам туризм муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, фольклор туризм бўйича минтақа етакчи мавқега эга бўлиб, аския, дорбозлик, фольклор этнографик жамоалар, халқ сайиллари, миллий ўйинлар ҳам туризмнинг алоҳида тури сифатида шаклланган. Бу борадаги минтақа бошқа туристик зоналардан кескин фарқ қилишини кўриш мумкин. Фольклор туризмни ривожлантиришда, хориж тажрибасидан унумли фойдаланган ҳолда минтақа салоҳиятини ошириш бугунги кунда энг муҳим масала ҳисобланади. Миллий қадриятлар, урф-одатларни келажак авлодга етиб боришда ҳам туризмнинг ўрни

катта.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи. 2016 йил 15 декабрь. - № 247 (Speech by the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev at a joint meeting of the chambers of the Oliy Majlis at the inauguration ceremony of the President of the Republic of Uzbekistan // Narodnoe Slovo. December 15, 2016 - No. 247.).
2. Regina Bendix. Tourism and cultural displays. Journal of American Folklore. - 1989. - P. 131.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. - Б. 24 (Karimov I. A. High spirituality is an invincible force. - Tashkent: Ma'naviyat, 2008. - P. 24.).
4. Наманган вилояти маданият бошқармаси фольклор жамоалари ҳисоботлари. - Наманган, 2010. - Б. 24 (Reports of folk groups of Namangan regional department of culture. - Namangan, 2010. - P. 24).
5. Наманган вилояти маданият бошқармаси фольклор жамоалари ҳисоботлари. - Наманган, 2010. - Б. 48 (Reports of folk groups of Namangan regional department of culture - Namangan, 2010. - P.48).

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№18 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000